

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 842-ҳадис

842 - وَعَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَجْلِسُ لِرَجُلٍ أَنْ يُفَرِّقَ بَيْنَ اثْنَيْنِ إِلَّا بِإِذْنِهِمَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ، وَالتِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [د 4845، ت 2752].

وَفِي رِوَايَةٍ لِأَبِي دَاوُدَ: «لَا يُجْلِسُ بَيْنَ رَجُلَيْنِ إِلَّا بِإِذْنِهِمَا» [4844].

842. Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси эса бобоси розияллоху анхудан қилган ривоятда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«(Бирга ўтирган) **икки кишининг изнисиз уларнинг орасини ажратиш ҳеч кимга ҳалол бўлмайди**», дедилар».

*Абу Довуд ва Термизий ривояти. Термизий ҳасан ҳадис, дедилар.*

Абу Довуднинг ривоятида:

«**Икки кишининг ўртасига уларнинг изни билангина ўтирилади**», бўлиб келган.

**Шарҳ:** Мусулмонларни бошқаларнинг ҳис туйғуларини билиш ва бошқаларга машаққат туғдирмаслик таълим берилмоқда. Ундан ташқари одамларни изнисиз гапини бўлмаслик ва уларни изнисиз икки суҳбатдошга қулоқ солмасликни ҳам ўргатилмоқда. Эҳтимол у икки суҳбатдош бошқалар билиб қолса, ёқтирмайдиган сўзни гаплашишмоқчи бўлишгандир.

Намоз ўқиётган кишининг олдидан кесиб ўтмаслик, хусусан, жума кунлари одамларнинг елкаларидан ошиб олдинги сафга ёриб ўтмаслик лозим. Чунки булар ҳаромга яқин макруҳлардандир.

Масжидда, айниқса, жума намози пайтида сафда турган кишиларнинг орасини ёриб ўтиш, бирор биродарини турғизиб юбориб, ўрнига ўтириб

олиш ҳам мақбул эмас. Чунки Нофеъ розияллоҳу анҳунинг ривоят қилишича, Пайғамбар алайҳиссалом бу одатларни жумада ҳам, бошқа намозларда ҳам қоралаганлар. Жума куни имом хутба ўқиётганида гапириш у ёқда турсин, ўзаро суҳбатлашаётганларни тинчитиш ҳам ноўриндир.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI